# Qishloq hayoti

**Қишлоқ ҳаёти**

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 6-IYUN, PAYSHANBA, 69 (8150)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




## ТОШКЕНТДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ВА «HAPPY CARAVAN» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

### Куннинг муҳим воқеалари

▶Беруний тумани марказида янги истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Умумий майдони тўққиз гектардан иборат ушбу замонавий боғда бунёд этилган катта фаввора, экилган ранг-баранг гуллар, манзарали дарахтлар, ўнга яқин замонавий аттракцион болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

▶**Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида "Сайхун мед сервис" тиббий маркази ўз фаолиятини бошлади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда аҳолининг юқори малакали невропатолог, терапевт, гинеколог, лор, уролог, стоматолог каби шифокорлар хизматидан фойдаланиши учун барча шароит яратилган.**

▶Жиззах вилояти Пахтакор туманида фоторассом Назира Боймуродованинг Обод турмуш йили манзаралари акс этган "Болалигим, сени соғиндим" номли шахсий фото кўргазмаси бўлиб ўтди. Ижодкорнинг тумандаги ўзи ўқиган 7-умумий таълим мактабида ўтказилган ушбу кўргазмаси Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи кўмагида ташкил этилди.

▶**Қарши туманидаги "Сайфиев Улуғбек" фермер хўжалиги даласида ғўза парваришига оид кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда ғўза парваришига оид шу кунлардаги долзарб вазифалар хусусида сўз юритилиб, агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.**

# МУСОБАҚА ҚАТНАШЧИЛАРИ БУХОРОГА КЕЛДИ

**Олий ўқув муассасалари талабаларининг "Универсиада – 2013" республика спорт мусобақаларида қатнашадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари Бухоро халқаро аэропорти ва Коғон темирйўл вокзалида тантанали кутиб олинди.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган уч босқичли спорт мусобақалари ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш, уларда қатъият, мардлик, бирдамлик ва бағрикенглик фазилатларини шакллантириш, ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ва малакали спортчилар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

"Универсиада – 2013" мусобақасининг финал босқичида талаба-спортчилар баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, стол теннис, шахмат, футбол, қўл тўпи, сузиш, дзюдо, теннис бўйича баҳслашади.

– Универсиада иштирокчиларининг тантанали кутиб олиниши бизни ғоят руҳлантирди, – дейди Фарғона давлат университети учинчи курс талабаси, шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони Ҳулкар Тоҳиржонова. – Мен шахматчи сифатида мамлакатимизда ва хорижда ўтган кўплаб мусобақаларда дона сурганман. Лекин уч босқичли спорт ўйинларида қатнашиш менга ўзига хос завқ ва фахр бағишлайди. 2008 йили Нукусда ўтган "Баркамол авлод" мусобақасида кумуш медални қўлга киритган эдим. Бухорода чемпионлик учун курашаман.

– Халқимизнинг миллий қадрияти – кураш Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан халқаро спорт тури мақомини олгач, жаҳонаро кенг ривожланмоқда, – дейди Урганч давлат университети иккинчи курс талабаси Шаҳзод Собиров. – Мен болалигимдан курашга қизиқаман. Универсиада кашф этган полвонлар – Ришод Собиров, Рамзиддин Саидов, Дилшод Чориев каби спортнинг юксак чўққиларини забт этишни орзу қиламан.

"Универсиада – 2013" мусобақалари иштирокчиларини кутиб олиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Сирдарё Вилояти

# МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ИЛК ҚАДАМ

## МУТАХАССИСЛИКНИ ТАНЛАШДАН БОШЛАНАДИ

МАКТАБДАН КОЛЛЕЖГА — КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

**Шу кунларда мактабда битирув имтиҳонларини топшираётган ўғил-қизларнинг ҳис-ҳаяжони кучли. Зеро, улар мустақил ҳаётга илк қадамни мутахассислик танлашдан бошлашади.**

Жорий йилда Сирдарё вилоятида 13 минг нафардан зиёд ўқувчи мактабни тамомламоқда. Ҳадемай, улар ўзлари танлаган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга йўл олишади. Жорий йилда битирувчилар “Ким бўлсам экан?” деган савол билан бошини унчалик қотиришмади. Яъни касб танлаш учун уларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Кўплаб учрашувлар ўтказилди, тадбирлар ташкил этилди. Коллежу лицейлар фаолияти хусусида тушунчалар берилди. Улар билан таништирилди. Яқинда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти Кенгаши, вилоят Халқ таълими, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳам шулар жумласидандир. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган “Мутахассислигинг — сенинг келажагинг” мавзуидаги кўргазмали семинарда мактаб битирувчилари вилоятдаги 47 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей фаолияти билан танишдилар. Бу ерда касб-ҳунар масканларининг фаолияти акс эттирилган стендлар, банерлар ва таништирув жараёнлари иштирокчиларда катта қизиқиш ва ҳаяжон уйғотди.

— Ушбу тадбир ниҳоятда аҳамиятли бўлди, — дейди Оқолтин тумани Фарғона СИУ ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зиёвуддин Сатторов. — Мактаб битирувчиларининг касб-ҳунарга қизиқиши катта. Коллежимизда 6 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Жорий йилдан яна бир йўналиш — ветеринария очилди. Ушбу кўргазмада 200 нафардан зиёд мактаб ўқувчиси коллежимизда таҳсилни давом эттириш истагини билдиришди.



Ўқувчиларнинг қизиқишу эътибори ҳам бежиз эмас. Зеро, барча шароитлар яратилган коллеж ва лицейлар улар учун пухта билим олиш ва касб-ҳунар сирларини мукаммал ўзлаштириш масканига айланмоқда. Уларни битираётган ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, уларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, тадбиркорликка йўналтириш ҳам доимий эътиборда.

Гулистон шаҳри Маданият ва истироҳат боғида Гулистон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, “Камолот” ЁИҲ шаҳар Кенгаши ҳамда шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган “Бўш иш ўринлари” ярмаркаси ҳам шундай эътибор натижасидир.

Унда вилоят ва шаҳар миқёсидаги 40 дан зиёд ташкилот ва корхона томонидан 680 та бўш иш ўрни таклиф этилди.

— Биз ушбу тадбирда 200 та иш ўрни билан иштирок этдик, — дейди “Нафис либос” МЧЖ кадрлар бўлими бошлиғи Фарида Валиахмедова. — Корхонамизда яратилган шароит коллеж битирувчиларига маъқул келди. Улар билан шартнома туздик.

— Гулистон тиббиёт коллежини тамомлаяпман, — дейди Марҳабо Насруллаева. — Ярмаркада қатнашиб, шаҳардаги “Ал-шифо медсервис” корхонаси билан ишга жойлашиш борасида шартнома туздим. Эгаллаган касбим бўйича ишга жойлашаётганимдан хурсандман. Коллежда олган билимларимни амалиётда янада мустаҳкамлаб, эл соғлиғини таъминлашга хизмат қиламан.

Ушбу тадбирда 60 нафар, жумладан, 42 нафар битирувчи ишга жойлашиш учун шартномалар тузишди. 100 нафар коллеж битирувчиси корхоналар билан амалиёт ўташ, сўнгра ишга жойлашиш борасида уч томонлама шартнома имзолашди.

Вилоятда бу каби хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



Рашид ГАЛИЕВ (Qishloq hayoti) олган сурат.

# БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

## Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва “Happy Caravan” халқаро турнири давом этмоқда

Мусобақаларнинг биринчи куни “Happy Caravan” халқаро турнирининг яккалик кўпкураш баҳсларида саккиз мамлакат вакиллари ҳалқа ва тўпда машқ бажариш бўйича беллашди. Иқтидорли гимнастикачимиз Равиля Фарҳуддинова ҳалқада машқ бажариш бўйича 15,4 баллни қўлга киритди. Ушбу баҳсда қатнашган яна бир спортчимиз Жасмин Юсупованинг чиқиши 14,7 баллга лойиқ топилди.

Тўп билан машқ бажаришда Комила Саидхонова 14,45, Сабина Тошкенбоева 13,25 балл жамғарди.

– Ўзбекистон бадиий гимнастика мактаби ўзининг бой анъаналари ва номдор вакилларига эга, – дейди Россия терма жамоаси мураббийси Вера Шаталина. – Шунинг учун Ўзбекистонда ташкил этиладиган спорт анжуманларида қатнашиш менга катта қувонч бағишлайди. Ўзбекистонда бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва имкониятга ҳавас қилса арзийди.

Мусобақалар давом этмоқда.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БАРҚАРОР ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

**5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни munosабати билан Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан тадбир ташкил этилди. Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилгани, жумладан, 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Давлат табиат музейи, Ўзбекистон бадиий академияси ҳамда “Тонг юлдузи” газетаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида эълон қилинган “Онажоним табиат” Республика иншолар ва расмлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилги танловга республикамизнинг турли ҳудудларидан келиб тушган 120 дан ортиқ юртимиз табиати тараннум этилган иншо ва расмлар орасидан энг муносиблари тақдирланди.

– Мен бадиий адабиётга ва иншолар ёзишга қизиқаман, – дейди “Онажоним табиат” Республика иншолар ва расмлар танлови ғолиби, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шермуҳаммад Деҳқонов. – Мазкур танловда ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Ижодий ишларимнинг аксариятида Ватан манзараларини акс эттирганман. Танловда ғолиб бўлиш мени янада руҳлантиради.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда “Medical Express” нашри ҳамкорлигида босма, телевидение, радио ва электрон оммавий ахборот воситаларида тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг яхши журналистик ва ихтисослашган материал учун “Тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва экология” танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли хонандалар, болалар бадиий жамоаларининг куй-қўшиқлари ҳамда “SOS-Болалар шаҳарчаси” тарбияланувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бағишлади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Жиззах Вилояти

ЭЗГУЛИК

# ЭЛ ОЛҚИШИНИ ОЛГАННИНГ омади келаверади

**Мирзачўл туманида яшаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Сафарали Наврўзовнинг шиори ҳам, эътиқоди ҳам шу! Шунинг учун у бундан ўн беш йил бурун «Бунёд» хусусий фирмасини очиб, макарон ишлаб чиқариш цехи, иккита дўкон, чойхона ва ошхонасидан олган даромадининг бир қисмини эл билан баҳам кўриб келади. Чўлқуварларнинг тўй-маъракасини, байрам-шодиёнасини бирга нишонлаб, ҳатто, ғам-қайғусини ҳам бирга тотадиган, сарфу харажатларини зиммасига оладиган мардлардан бири.**



Буни унинг биргина жорий йилнинг ўтган даврида туманда ўтказилган Янги йил, 8 март, Наврўз байрамлари учун қарийб икки миллион сўм пул сарфлагани, туман Болалар спорти, «Нуроний» жамғармаларига 1,6 миллион сўм маблағ ўтказгани, Ғалаба, Дўстлик, Иржар маҳаллалари ва туман марказий бозорлари атрофини ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш учун 60 минг тупдан зиёд дарахт ҳамда гул кўчатлари етказиб бергани ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, кекса ва ногирон кишилар тадбиркорнинг доимий эътиборида.

Бундан ташқари, у туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан энг интизомли солиқ тўловчи сифатида ҳам эътироф этилган.

Сафарали Наврўзов турмуш ўртоғи Тожихол билан биргаликда олти ўғил, уч қиз ўстириб, барчасига яхши тарбия беришган. Эр-хотин болажонликда бир-бирларидан қолишмайди. Уйдами, кўчакўйдами яқин ё бегона бўлмасин, ҳар бир болани доимо қувноқ, шод-хуррам кўриши, улар қалбига хурсандчилик улашишни исташади. Ана шу эътиборлари боис, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида улар кўнгилида яна бир эзгу ният қулф уриб, ўз ҳисобларидан Ғалаба маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари — Сардор Мустафоев ва Озоджон Турғунбоевларнинг хатна тўйларини ўтказишга аҳд қилдилар.

— Болажонларнинг байрамлари байрамдай бўлиши учун тўй кунини 1 июнга белгиладик, — дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Шодмон Турсунов. — Унга Ғалаба, Дўстлик, Иржар маҳаллалари ва Мирзадала шаҳарчаси аҳолиси билан бир қаторда тўйболаларнинг синфдош-ўртоқларини ҳам таклиф этдик.

Дарҳақиқат, туман марказидаги «Нигина» тўйхонасига кўплаб болалар ташриф буюришди. Тўйхонанинг болаларга мос безатилгани, фойе ва ҳовли деворларига бахтли болаликка, болалар таълим-тарбияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, соғлом авлодни камол топтиришга оид шиорларнинг осиб қўйилгани тўйхона шукуҳини янада ошириб турарди. Дастурхонлар эса, турли хил ширинликлар, ёзнинг тотли мевалари ва хуштаъм шарбатлари билан тўла эди. Шу тахлит тўй ниҳоятда қизиқарли ва тантанали бошланди.

Тўйболаларга байрам совғаси сифатида велосипедлар, кийим-кечаклар, китобдафтар жилдлари, бадиий ва дарслик китоблар, бошқа маиший техникалар тухфа этилди. Бундан тўйболаларгина эмас, уларнинг дўстлари ҳам жуда қувондилар. Тўйхона уларнинг гулдурос қарсакларидан ларзага келди.

— Болаларнинг бегонаси йўқ, — деди Мирзадала шаҳарча фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Барфи Аманова. — Президентимиз таъбири билан айтганда, улар — келажагимиз. Шундай экан, бугунги ёш авлодни ҳар томонлама шод-бахтиёр, кўнгиллари тўла, билим-маданиятли этиб тарбиялашга барчамиз масъулмиз. Зеро, ота-боболаримизнинг «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган пурҳикмат нақлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ётади. Шу нуқтаи назардан, хусусий тадбиркор Сафарали Наврўзовлар оиласининг бугун ўтказаётган тўйлари ҳам оддий хайру саховат эмас, балки халқимизга хос меҳрмурувват ва болажонликнинг юксак намунасидир.

Тўй давомида бу каби яхши тилаклар кўп айтилди. Болажонлар билан ёнма-ён ўтирган катталар ҳам болалик дамларига бир зум қайтгандай бўлишди. Туман маданият ва спорт бўлими санъаткорлари ҳамда туман Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўз куй-қўшиқлари билан барчани хурсанд этишди.

Барча расм-русумлари рисоладагидек адо этилиб, хушнуд ва файзли бўлиб ўтган ушбу тўй нафақат болажонлар, балки катта ёшдаги иштирокчилар қалбида ҳам узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

**Тозагул АЛЛАНАЗАРОВА**

Қашқадарё Вилояти

«ЁЗГИ ТАЪТИЛ-2013»

**Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун Қашқадарё вилоятида ҳам оромгоҳлар шай ҳолга келтирилди. Хусусан, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларидаги болалар оромгоҳларида салмоқли ишлар амалга оширилди.**

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ВА ЗАВҚЛИ ЎТАДИ

"Шўртангазкимё" мажмуаси, "Шўртаннефтгаз" унитар корхонаси, Муборак нефтни қайта ишлаш заводи, "Таллимаржон" иссиқлик электр станцияси, "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси, "Қашқадарё автотранс" уюшмаси, "Қашқадарё электр тармоқлари" корхонаси каби йирик муассасалар томонидан ушбу оромгоҳларда қайта таъмирлаш ишлари бажарилиб, қўшимча бинолар, болалар майдончалари, ўйингоҳлар барпо этилди.

— Оромгоҳларимизда нафақат вилоятимиз, шу билан бирга, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларидан келган болалар ҳам мириқиб дам олишади, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсонбой Ражабов. — Улар бу ерларда дам олибгина қолмай, фан тўгаракларида инглиз, рус, немис, француз тилларини ўрганадилар. Табиат бағрига саёҳат қилиб, озод ва обод Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатини янада мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги "Лочин" оромгоҳида тўрт мавсумда беш минг нафардан ортиқ болалар дам олади. "Келажак овози", "Камалак" ёшлар ташкилотларининг минг нафардан зиёд ўғил-қизлари ҳам ёзги таътилни айнан шу ерда ўтказади. Айни пайтда Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи жамоаси Шаҳрисабз туманидаги Қани қишлоғи ҳудудидаги хушманзара табиат қўйнида болалар соғломлаштириш оромгоҳини барпо этяпти. Олти гектарлик ҳудудда болажонлар учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Бу маълумотлар "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонасига қарашли Китоб туманидаги "Ёш алангачи" оромгоҳида бўлиб ўтган анжуманда қайд этилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда сўз олганлар ёзги мавсумни кўнгилли ўтказиш, бу борада мутасадди ташкилотлар олдида турган вазифалар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Жойлардаги оромгоҳлар фаолиятини қатъий назорат қилиш, бу борада касаба уюшмалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаоллигини янада ошириш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Наманган Вилояти

ИБРАТ

# Кўнгли жўшқин одамлар

**Кейинги йилларда Уйчи туманининг Яккатут қишлоғида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ ёнидан ўтган «Наманган-Учқўрғон» катта йўли атрофида замонавий турар-жой бинолари, маиший хизмат шохобчалари қад ростлади. Қишлоқ врачлик пунктининг замонавий биноси бунёд этилди. Бу ерда яратилган шароитга кўпчиликнинг ҳаваси келади.**



Қишлоқ аҳли меҳнаткаш, тадбиркору ҳунарманд кишилар. Дурадгорлик, ёғоч ўймакорлик, тикувчилик каби ҳунарларнинг сир-асрорларини пухта эгаллашган. Масалан, Муҳаммаджон Ҳасанов уй жиҳозлари тайёрлашда, Сирожиддин Усмонов эса дурадгорликда донг таратган кишилар. Улар ҳунарлари ортидан рўзғорига барака киритишмоқда. Қолаверса, ҳунар сирларини фарзандлари, қишлоқ ёшларига ўргатишмоқда. Қишлоқда томорқасини "орқа" биладиган, яъни бир парча ердан унумли фойдаланаётган, ундан яхши даромад олиб, маҳалла-кўйга ибрат бўлаётган оилалар ҳам кўп.

– Қишлоғимизда 3600 нафардан зиёд аҳоли яшайди, – дейди Яккатут маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулазиз Исмоилов. – Юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари қишлоғимизда ҳам ўз аксини намоён этмоқда. Қишлоқдошларимизнинг эртанги кунга ишончи уларни янада шижоат билан меҳнат қилишга, бунёдкорлик билан яшашга ундаётир. Маҳалламиз гузари ҳамиша гавжум бўлади. Бу ердаги хизмат кўрсатиш нуқталаридан бири гўзаллик салонини олиб кўринг. У ҳам ҳамиша гавжум. Бу ҳам одамларнинг турмуши обод бўлиб бораётгани белгиси. Зеро, қачон инсон ўзига эътибор қаратади. Турмуш ташвишидан ортгани, бугунги кунидан рози бўлганида-да. Тўғрими? Демакки, турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бормоқда. Бир пайтлар биттагина якка тут бўлган қишлоғимиз бугун шундай гўзал масканга айланди, боғу роғларга бурканди.

Оқсоқолнинг шу сўзлари бизни қишлоқнинг номига қизиқтириб қўйди. Қишлоқ Наманган шаҳрига туташиб кетган. Уйчи тумани ҳам шу қишлоқдан бошланади. Қишлоқ ёнида баландлиги салкам йигирма метрга етган, танасига ўн беш кишининг қулочи етмас улкан якка тут дарахти бор. Якка тутнинг тарвақайлаган шохлари узоқ ўтмишдан ҳикоя қилаётгандек.

– Қишлоғимиз номи ана шу якка тутдан келиб чиққан, – дейди Абдулазиз ака. – Бу ҳақда шундай ривоят ҳам бор: Қадимда Норин дарёсининг қирғоқлари бизнинг қишлоғимиз ҳудудигача келган экан. Баҳор пайтлари дарё суви тошиб, қирғоқдан ошар, одамларнинг юрагига қўрқув солар экан. Шундай тошқинларнинг бирида қишлоқда бир нуроний отахон пайдо бўлибди. У тошган дарёга қараб, "нари ин" – нари кет, дебди ва ҳассасини дарё қирғоғига қадаб, ғойиб бўлибди. Шу-шу, дарё ўша ҳасса – ҳозир сиз кўриб турган азим тутдан ўтмаган эмиш. Норин сўзи – "нари ин"дан пайдо бўлган дейишади. Ҳасса эса кўкариб мана шу азим тутга айланибди...

Оқсоқолнинг сўзларидан сўнг узоқда мавжланиб оқаётган дарёга боқамиз. Унинг сувлари қанчадан-қанча ерларга ҳаёт бахш этмоқда, қанча инсонларнинг рўзғорини обод қилмоқда. Бугун яккатутликларнинг қалби ҳам шу дарё каби жўшқин, ташаббус ва эзгуликларга тўла. Буни уларнинг юртни обод этиш борасидаги ибратли ишлари ҳам кўрсатиб турибди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ИМТИЁЗЛИ ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ТАСДИҚЛАНДИ

**Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил равишда амалга оширилиб, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб келинмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш, олис ва ишчи кучи ортиқча бўлган ҳудудларда бизнесни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда мунтазам равишда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериб борилмоқда.**

Бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, имтиёзлардан унумли ва мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”-ги Қарорининг 6-банди ҳамда 2013 йил 29 январдаги “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандлари билан 2013 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан экспорт юк божхона декларациясини мажбурий тақдим этиш тартиби жорий этилди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 22 майда “Тадбиркорлик субъектлари – импортёрлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур Низом қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар олиб кирилаётган товарларнинг фақат тасдиқланган қийматигагина берилишини назарда тутмоқда.

Низомда қайд этилган тартибларга мувофиқ, агар экспорт божхона юк декларациясида товарнинг қиймати кўрсатилмаган бўлса ёки экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг қонун ҳужжатларида товарни олиб чиқишда божхона декларациясини расмийлаштириш назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда экспорт божхона юк декларацияси ўрнига товарни олиб чиқишда экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатда расмийлаштирилган ҳамда экспортёр ва импортёрнинг номи, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарнинг қиймати, вазни ва миқдори тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Низом шартлари инсонпарварлик ёрдами, техникавий кўмак сифатида ва грантлар ҳисобига олиб кирилаётган товарларга, шунингдек, олиб кирилаётган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига, хорижий валютага ва қимматбаҳо қоғозларга татбиқ этилмайди.

Импортёр божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаган ҳолда, олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати органларига («эркин муомала учун чиқариш» режимига божхона расмийлаштируви пайтида экспорт божхона юк декларациясини ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қилинган харажатларни (қиймат ва тўловларни) тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

Импортёрлар экспорт божхона юк декларациясининг асл нусхаси ёки экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг божхона органлари ёки импортёр томонидан тасдиқланган нусхаси тарзида ёки қоғоз босилган ва экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг божхона органи ёки импортёр томонидан тасдиқланган электрон божхона юк декларацияси тарзида тақдим этишлари мумкин.

Экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати органларига рус ёки инглиз тилларида тақдим этилади. Бошқа тилда тўлдирилган экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати органларига импортёр томонидан тасдиқланган ўзбек, рус ёки инглиз тилидаги таржимаси билан бирга тақдим этилиши керак.

Экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилмайди. Шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар олиб кирилаётган товарнинг тасдиқланмаган қийматига божхона тўловлари ҳисобланиб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш тартиби юридик шахслар, халқаро ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарз (кредит) маблағлари ҳисобига олиб кирилаётган товарларга, Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (битимлар) доирасида олиб кирилаётган товарларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспертизадан ўтган импорт контрактлари бўйича олиб кирилаётган товарларга, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган Хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 9-бандига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда ташкил этилган идоралараро тендер комиссиялари қарорлари асосида тузилган контрактларга биноан олиб кирилаётган товарларга, суюқ углеводородларни етказиб бериш юзасидан импорт контрактлар бўйича олиб кирилаётган товарларга татбиқ этилмайди.

Олиб кирилаётган товарнинг тасдиқланган ва тасдиқланмаган қийматини, тўланиши керак бўлган божхона тўловларини ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг ҳисоб-китоби ушбу Низом билан тасдиқланган шакл бўйича божхона юк декларациясига илова қилинади ҳамда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг имзоси ва декларант муҳри билан тасдиқланади.

Агар «эркин муомала учун чиқариш» режимига божхона расмийлаштируви пайтида талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмасдан, товарлар бўйича божхона тўловлари тўланган бўлса, импортёр зарур ҳужжатларни товар божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб 1 йил мобайнида тақдим этиши мумкин.

Натижада божхона тўловлари қайта ҳисоблаб чиқарилади ва ортиқча тўланган божхона тўловлари қайтарилади ёхуд белгиланган тартибда, импортёр талабига кўра келгусидаги божхона тўловлари ҳисобига ўтказилади.

Импортёрлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб кирилган товарларни божхонада расмийлаштиришда тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланганлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

**Жавоҳир МУСАЕВ,**
**Давлат божхона қўмитаси Божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар ҳисобини юритиш бош бошқармаси бош инспектори.**




## АЙВОНДА ЁНИЛҒИ АСРАМАНГ

**Турмушимизда енгил ёнадиган ва ёндирадиган суюқликларни ишлатиб турамиз. Аммо унутмаслигимиз лозимки, уларни сақлашнинг ҳам тартиб қоидалари бор.**

Яшаш жойлари (ётоқхоналар, хусусий уйлар)да 20 литргача енгил ёнадиган ва ёндирадиган суюқликларни, 12 литргача ёнадиган газларни сақлашга рухсат этилади. Енгил ёнувчи ва ёндирувчи суюқликларни бошқа ёнувчи газ баллонларни айвон ва лоджийларда сақлаш тақиқланади. Яшаш хонадонлари том, чордоқ, бўғотларда тез аланга олувчи хашак, ёқилғи маҳсулотларини бошқа маҳсулотлар билан бирга сақлаш мумкин эмас. Газ қувурлари ва газ плиталарга, тандир ўчоқларга газдан фойдаланиш учун резина шланг улаб ишлатилиш мумкин эмас. Шунингдек, печка ва тутун чиқариш мосламасига қўшиладиган қисм 38 см. қалинликда ёнмайдиган мослама билан ажратилган бўлиши керак. Уларнинг яқинида тез ёнадиган буюмларни ўрнатиш ёнғин хавфсизлигига мутлақо тўғри келмайди.

**А.ЗУПАРХОДЖАЕВ,**
**12-ҲЁХО 11-ҲЁХ алоҳида пости смена бошлиғи, капитан.**

## ДАЗМОЛ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛСА...

**Кейинги пайтда юз бераётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарият қисми маиший техника воситаларининг назоратсиз қолдириб кетилганлиги оқибатидир.**

Электр тармоғига уланган радио, телевизор ва дазмол қизиб кетгач, ёнғин юз бериши ҳаммага маълум. Қаровсиз қолдириб кетилган бу асбоблар туфайли кундалик ҳаётда қанчадан қанча кўнгилсиз ҳодисалар бўлмаган дейсиз. Истардикки, уй бекалари ҳушёрликни унутмай, радио, телевизорни, айниқса, дазмолни электр манбага улаганда узиб қўйишни ҳам ёддан чиқармасинлар. Чунки ёниқ қолган битта дазмол ҳам бутун бир уйни ёндириб юбориши ҳеч гапмас.

**Ҳ.ТАШЖАНОВ,**
**14-ҲЁХҚ кичик инспектори.**

○ **Аттанг!**

# НАФСИ ЎПҚОН БОЗОРҚЎМ

**Азал-азалдан бозорлар қут-барака тимсоли сифатида юртимизнинг рамзи бўлиб келган. Бундай масканлардаги тўкин-сочинлик ушбу мамлакат халқининг қай даражада тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётганидан далолат берган. Энг асосийси, бозорлар халқимиз истеъмоли учун неъматлар манбаи, тадбиркору ишбилармонлар, сотувчиларга фаолият юритиш макони сифатида қадрланиб келинган.**

Бу жойни муқаддас қадамжо, ризқу рўз макони дея, бу ерда бирор ножўя иш ёки хатти-ҳаракат қилишдан одамлар ўзларини тийишган. Бу хислатларни иймон ва виждонларининг бир бўлаги сифатида билишган.

Минг афсуски, бугунга келиб бундай тушунчалар кишилар онгу шууридан бироз ўчаётгандек, назаримизда. Сотувчиларнинг харидорлар ҳаққига хиёнати, бозорлар раҳбарларининг бу ердаги тадбиркору ишбилармонлар йўлига тўғаноқ бўлиб, ўз нафслари йўлида ҳар қандай ҳаромхўрликлардан қайтмаётганлари халқимизнинг бозорга бўлган азалий ҳурмат ва эътиборига бироз путур етказмоқда.

Бу ҳақда сўнгги пайтларда телерадио ва газеталар орқали кўриб, эшитиб, ўқиб турибмиз.

“Юқоричирчиқ тумани деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мастура Усмонова ҳам юқоридаги салбий фикрларга ҳамоҳанг тарзда иш тутди. У раҳбарлик курсисига ўтиргач, ўзини йўқотди-қўйди. Раҳбарман дея, ҳеч кимни менсимай, қўл остидаги ишчилару бозордаги тадбиркорларга нисбатан паст назар билан қарар, гўё улар унинг паноҳида юради, шунинг учун, доимо хизматида бўлишлари керак, деб ҳисобларди.

Энг қизиғи, бозорга худди хусусий мулкидек муносабатда бўлиб, ҳар бир сотувчию тадбиркордан патта пулларидан ташқари яна ўзининг шахсий манфаатлари учун қўшимча маблағ талаб қилар, шотирлари орқали нақд пулларни йиғиб, жиғилдонига урарди. Устамонлик шу даражада эдики, ўзининг чўнтагига тушадиган пулларни ҳам сохта хатҳужжатлар билан расмийлаштириб, сиртига сув юқтиришни истамасди. Таажжубли жиҳати шундаки, бунгача бозор фаолиятини ўрганиш мақсадида келган баъзи бир текширувчилар ҳам М.Усмонованинг ялтоқланишию, ўз айбини хаспўшлаш борасидаги устамонлиги туфайли унга ҳаққоний жазо чораси кўришни лозим кўришмаган эди.

М.Усмонованинг нафс ўпқони шу даражада кенгайдики, энди бозорда тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчи хисмоний шахслардан ҳудуддан жой ажратиб бериш эвазига 1000 АҚШ долларидан пул талаб қила бошлади.

Қурбақани боссанг ҳам “вақ” дейди, деганларидек, бозорда ишлашни хоҳловчиларнинг бу талабдан фиғонлари фалакка етди. Охир-оқибат уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига қилган мурожаатлари асосида бозор раҳбарлари жиноий қилмишлари бўйича махсус тадбир уюштирилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда бозор раҳбари Мастура Усмонова ва унинг шотири, ҳамтовоғи, ўзининг ўринбосари Комила Каримова тадбиркорлардан 1000 АҚШ долларини олаётган пайтда қўлга олинди.

Кўза кундамас, кунида синади, деганларидек, бу икки нафси ҳакалак отганлар ўзларини ўзлари тузоққа илинтиришди. Энди қилмишларига яраша қонун олдида жавоб берадилар.

Уларга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди ва тергов-суриштирув ишлари бошланди.

**Зокиржон НУРМУҲАММЕДОВ**

# ТУР НАТИЖАЛАРИ ВАЗИЯТНИ КЕСКИНЛАШТИРДИ

**Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг 8-тур учрашувлари бўлиб ўтди. “А” гуруҳида кураш олиб бораётган мамлакатимиз терма жамоасига ушбу турда “танаффус” белгиланган. “Б” гуруҳида эса Япония терма жамоаси ўз майдонида австралияликлар билан 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этиб, Жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлган биринчи жамоага айланди.**




Мазкур учрашувда ҳисобни австралияликлар 83-дақиқада очишди. “Б” гуруҳидаги биринчи ўрин аллақачонлар “самурайлар” томонидан деярли банд қилиб бўлингани сабаб, Жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри чиқиш имконини берувчи иккинчи йўлланма учун курашаётган австралияликларга ушбу баҳсда ғалаба жуда зарур эди. Аммо учрашув асосий вақтига қўшиб берилган дақиқаларда японлар пенальтидан гол уришга муваффақ бўлдилар, натижада Австралия терма жамоаси 4-саралаш баҳсларидаги навбатдаги — тўртинчи дуранг ҳисобни қайд этди. 7 та учрашувда 14 очко тўплаган японларни эса энди ҳеч қайси жамоа мундиал ўйинларидан бенасиб этолмайди. 11 июнда Ироқ терма жамоасига қарши меҳмонда бўлиб ўтадиган сўнгги баҳсда японлар хотиржам тўп суриш имкониятига эга.

Австралия терма жамоаси эса гуруҳда яна иккита учрашув ўтказади. Иккиси ҳам ўз майдонида. Биринчиси 11 июнда Иордания термасига қарши бўлиб ўтади. Очколари сони тенг бўлган иккала жамоа учун ўйин ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сўнгги турда эса австралияликлар Ироқ терма жамоасига қарши тўп суради.

“Б” гуруҳининг кейинги жуфтлиги — Уммон ва Ироқ терма жамоалари ўртасидаги учрашув 1:0 ҳисобида мезбонлар ғалабаси билан якунланди. Уммонликлар ушбу ғалабадан сўнг турнир жадвалида 9 очко билан иккинчи ўринга кўтарилиб олишди. Уммон термаси охирги учрашувини 18 июнь куни Иордания термасига қарши меҳмонда ўтказади. Ироқ термаси эса аввал японларни ўз майдонида қабул қилади, кейин эса Австралияда меҳмон бўлади.

“Б” гуруҳида иккинчи ўринни қўлга киритиш учун энг яхши имкониятга Австралия терма жамоаси эга. Агарда жамоа кейинги иккита учрашувни ўз фойдасига ҳал қила олса, иккинчи ўрин кафолатланади. Асосий рақобатчиси — Иордания термаси билан бўладиган баҳсда дуранг натижа қайд этилса ҳам Австралия терма жамоаси тўплар нисбатига кўра, ютуқли ҳолатда бўлади.

Назарий жиҳатдан қараганда, ҳатто Ироқ термасида ҳам иккинчи ўринни эгаллаш имкони мавжуд. Масалан, Иордания терма жамоаси Австралияда мағлуб бўлиб, ўз майдонида Уммон термасини мағлуб этгани ҳолда Ироқ терма жамоаси иккала учрашувда ҳам ғалаба қозонса, 11 очко билан иккинчи ўриндан жой олади. Футболда кутилмаган натижалар тез-тез қайд этилиб туради. Бу мисолларни шунчаки, “Б” гуруҳида иккинчи ва учинчи ўринлар учун кураш қанчалик мураккаб кечиши мумкинлигини тасаввур қилиш учун келтирдик, холос.

“Б” гуруҳидан фарқли ўлароқ, 8-тур учрашувларидан сўнг “А” гуруҳида Ливан термаси амалда Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашдан чиқиб кетди. Қатар терма жамоаси эса гуруҳда учинчи ўринни эгаллаши учун мўъжиза юз бериши керакка ўхшайди.

Ҳа, ушбу турда Қатар терма жамоасининг ўз майдонида Эрон терма жамоасидан енгилгани амалда уларнинг Жаҳон чемпионатига чиқиш имкониятини деярли йўққа чиқарди. 7 очкога эга бўлгани ҳолда қатарликлар ҳисобида биттагина учрашув қолди. У ҳам бўлса, сўнгги турда меҳмонда мамлакатимиз терма жамоасига қарши кечади. Ушбу учрашувда сариқ карточкалари кўпайиб кетгани сабаб дарвозабон Қосим Бурҳон ва жамоа сардори Билол Муҳаммад каби етакчи футболчилар иштирок эта олишмайди.

Ушбу турда ўз майдонида Жанубий Корея терма жамоасини қабул қилган ливанликлар эса ғалаба қозонган тақдирдагина учинчи ўрин учун курашни давом эттириш имкониятини сақлаб қоларди. Шундай катта муваффақиятга эришиш учун уларга бир дақиқагина сабр-бардош етмади. Аниқроғи, ҳакам томонидан асосий вақтга қўшиб берилган дақиқалар кўплик қилди. Ливанликлар 12-дақиқада гол киритиб, ҳисобда олдинга чиқиб олишганди. Қўшиб берилган дақиқаларнинг еттинчисида корейслар жарима зарбасидан унумли фойдаланиб ҳисобни тенглаштиришди, якуний ҳисоб 1:1. Қатар термасига қарши кечган аввалги турда ҳам корейслар ғалаба тўпини ҳакам томонидан асосий вақтга қўшиб берилган еттинчи дақиқада киритишган эди.

Энди ливанликлар Эрон термасига қарши 11 июнда кечадиган саралаш баҳсларидаги сўнгги учрашувларида фақатгина мухлислар учун тўп суришади.

Ғалвир сувдан кўтариладиган дамда маълум бўлдики, саралаш баҳслари аввалида “А” гуруҳидан Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун асосий даъвогарлар сифатида эътироф этилган Жанубий Корея, Ўзбекистон ва Эрон терма жамоалари тахминни оқлашди. Шундай бўлса-да, Ливан ва Қатар терма жамоалари баҳслар давомида етакчиларга муносиб қаршилик кўрсатиб, қайд этган натижалари билан турнир жадвалида кескинликни келтириб чиқаришди. Масалан, етакчиларнинг ҳеч бири Байрутда Ливан термасини мағлуб эта олишмади. Эрон термаси устидан ливанликлар, ҳатто, ғалаба қозонишга ҳам муваффақ бўлишди.

11 июнь куни 11 очкодан жамғариб гуруҳда етакчилик қилаётган Жанубий Корея ва Ўзбекистон терма жамоалари Сеулда ўзаро баҳс юритишади. Ушбу баҳсдаги ҳар икки жамоадан бирининг ғалабаси Жаҳон чемпионати йўлланмасини тақдим этиши мумкин. Сўнгги — 10-турда корейслар Эрон терма жамоасини қабул қилишади. Бунгача эса Эрон термаси 9-турда Ливан термасига қарши учрашув ўтказади. Ушбу учрашувга ливанликларнинг маълум сабабларга кўра эътибори паст эканлигини ҳисобга олсак, эронликларнинг 3 очкони осонлик билан қўлга киритишни тахмин қилиш мумкин. Бу ҳолатда Ўзбекистон терма жамоаси рақобатчиларини босимда сақлаб туриш учун Сеулдан ҳеч бўлмаганда 1 очко билан қайтиши жуда зарур. Агарда ғалаба қозонсак, японларга ўхшаб байрам қилишни бошлаб юборсак бўлади. Умуман, кейинги иккита учрашувда 4 очко қўлга киритилса, терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатига чиқиши кафолатланади. Худди шунча очколар миқдори Жанубий Кореяга ҳам кифоя қилади. Дарвоқе, терма жамоамиз “яримта” йўлланма учун курашни давом эттириш имконини берувчи 3-ўринни нақд қилиб улгурган. Лекин бу ҳақда ҳеч ўйлаётганимиз йўқ. Бизга йўлланманинг “бутуни” керак.

**8-тур натижалари**

**«А» ГУРУҲИ:** Қатар-Эрон 0:1, Ливан-Жанубий Корея 1:1. (*Ўзбекистон терма жамоаси ушбу турда ўйин ўтказмади*).

**«Б» ГУРУҲИ:** Япония-Австралия 1:1, Уммон-Ироқ 1:0. (*Иордания терма жамоаси ушбу турда ўйин ўтказмади*).

**Кейинги учрашувлар тақвими**

**“А” гуруҳида 11 июнь 9-турда ўтказиладиган баҳслар:** Жанубий Корея-Ўзбекистон, Эрон-Ливан. (*Қатар терма жамоаси ушбу турда ўйин ўтказмайди*).

**18 июнь 10-турда ўтказиладиган баҳслар:** Ўзбекистон-Қатар, Жанубий Корея-Эрон. (*Ливан терма жамоаси учрашувларини якунлаган бўлади*).

**“Б” гуруҳида 11 июнь 9-турда ўтказиладиган баҳслар:** Австралия-Иордания, Ироқ-Япония. (*Уммон терма жамоаси ушбу турда ўйин ўтказмайди*).

**18 июнь 10 турда ўтказиладиган баҳслар:** Австралия-Ироқ, Иордания-Уммон. (*Япония терма жамоаси учрашувларини якунлаган бўлади*).

**ТУРНИР ЖАДВАЛИ**

**«А» ГУРУҲИ**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жанубий Корея | 6 | 3 | 2 | 1 | 12\6 +6 | 11 |
| Ўзбекистон | 6 | 3 | 2 | 1 | 6\4 +2 | 11 |
| Эрон | 6 | 3 | 1 | 2 | 3\2 +1 | 10 |
| Қатар | 7 | 2 | 1 | 4 | 4\8 -4 | 7 |
| Ливан | 7 | 1 | 2 | 4 | 3\8 -5 | 5 |

**«Б» ГУРУҲИ**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Япония | 7 | 4 | 2 | 1 | 15\5 +10 | 14 |
| Уммон | 7 | 2 | 3 | 2 | 7\9 -2 | 9 |
| Австралия | 6 | 1 | 4 | 1 | 7\7 -0 | 7 |
| Иордания | 6 | 2 | 1 | 3 | 6\12 -6 | 7 |
| Ироқ | 6 | 1 | 2 | 3 | 4\6 -2 | 5 |

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

## ○ Эълонлар

*ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!*

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ «АГРОБАНК» ОАТБ УЧҚИЗИЛ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги “Агробанк” ОАТБ биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга 154,739 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 128,949 млн.сўм, **қурилиш муддати** – 60 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти “Агробанк” ОАТБ Учқизил филиали. Манзили: Термиз тумани “Учқизил” қўрғони. Тел. (8-376) 363-25-98.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Республика “Агробанк” ОАТБ томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

